



Жиззах вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Жиззах вилоят Кенгаши ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича 2026-2028 йиллар учун ХУДУДИЙ ЖАМОА КЕЛИШУВИ

Жиззах вилоят ҳокимлиги (бундан буён - "Ҳокимият"), Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Жиззах вилоят Кенгаши (бундан буён - "Кенгаш") ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси (бундан буён - "Палата") кейинги ўринларда "Тарафлар" деб аталувчи вакиллар тимсолида:

Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегияси ҳамда "Ўзбекистон - 2030" стратегиясига амал қилган ҳолда;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг 2025 йил 17 октябрда Ўзбекистон касаба уюшмалари фаоллари ва фахрийлари билан бўлиб ўтган учрашувида берилган топшириқларни ижрога қаратган ҳолда;

давлат, иш берувчилар ва ходимларнинг ижтимоий масъулияти ва улар ўртасидаги ижтимоий мулоқот муҳимлигини эътироф этган ҳолда;

ходимлар ва иш берувчиларнинг ҳуқуқлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, аҳоли ҳаёт даражасини муттасил ошириб бориш, жамиятда ижтимоий тотувлик ва барқарорликни сақлаш борасида самарали ҳамкорликни кучайтириш мақсадида ижтимоий шериклик тамойилини амалга ошира бориб;

ижтимоий-иқтисодий сиёсат олиб боришнинг асосий йўналишларини белгилаб берувчи мазкур Ҳудудий жамоа келишувини туздилар (бундан буён "Келишув") ва ўз эиммаларига қуйидаги йўналишлар бўйича мажбуриятларни олдилар.

I. Иқтисодиётни, маҳаллий ишлаб чиқаришни ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон Фармони билан тасдиқланган "Ўзбекистон - 2030" стратегиясида миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш борасида белгилаб берилган чора-тадбирлар ўз вақтида ва сўзсиз бажарилишига ҳар томонлама қўмаклашиш мақсадида Тарафлар келгуси даврда қуйидагиларни ўта муҳим деб ҳисоблайдилар:

1. Иқтисодиётнинг реал секторини жадал ривожлантириш, саноатни диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, тайёр маҳсулот экспортини рағбатлантириш билан бир қаторда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш чораларини жорий этиш ҳисобига иқтисодиёт

рақобатбардошлиги ва барқарорлигини оширишга доир ишларни ҳамкорликда олиб бориш.

2. Иқтисодиётда хусусий мулк улушини ошириш, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, фаолиятнинг барча соҳаларида давлат иштирокини камайтириш бўйича ислохотларни янада чуқурлаштириш.

Бунда иқтисодиётнинг реал секторидаги маҳаллий корхоналар ва инновацион корхоналар учун қулай кредитлашни таъминлаш, шу жумладан, импорт ўрнини босиш ва технологик суверенитетни таъминлаш соҳасидаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга ошириш.

3. Бюджет сиёсати нисон капиталининг ўсишини қўллаб-қувватлаш, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, иқтисодий ва ижтимоий тенгсизликни камайтириш, вилоят иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширишни рағбатлантириш ва барқарор ўсиш суръатларини таъминлашга қаратилган бўлишини таъминлаш.

4. Вилоятда миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ҳудудий маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноатда ишлаб чиқариладиган технологик маҳсулотлар улушини 20,0 фоизга етказиш.

5. Саноатда қўшилган қиймат ҳажминини 1,4 млрд АҚШ долларига етказиш ва юқори даромадли иш ўринларини яратиш.

6. Иқтисодиётни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда "Яшил иқтисодиёт" технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 1,5 баробарга ошириш.

7. Рақамли иқтисодиётни асосий "драйвер" соҳага айлантириб, унинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улушини 1,6 фоизга етказиш.

8. Вилоятда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш.

9. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш.

10. Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали 1 гектардан олинадиган ўртача даромадни 4 минг АҚШ долларига етказиш.

11. Сув ресурсларини бошқариш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва сувни иқтисод қилиш бўйича алоҳида давлат дастурини амалга ошириш.

12. Туман ва шаҳарларнинг муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тизимини ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш.

13. Барча транспорт турларини узвий боғлаган ҳолда ягона транспорт тизимини ривожлантириш, туман ва шаҳарлар ўртасида кунлик транспорт

қатновлари асосида манзилга етиб бориш ва қайтиб келиш имкониятини ривожлантириш.

Қўшимча:

Аҳоли турмуш шароитини яхшилаш мақсадида, инвестиция дастурлари доирасида 296,0 км ичимлик ва оқова сув тармоғи (шундан, 220,7 км ичимлик суви, 75,3 км оқова суви тармоғи), 9 та ичимлик суви иншооти, 1,6 км газ қувурлари ҳамда 23 та мактабгача ва мактаб таълими муассасаларини қурилиш ва таъмирлаш, янгиларини барпо этиш йўли билан қамровни кенгайтириш.

14. Тенг рақобат шароитларини яратиш мақсадида саноат, савдо, қурилиш, фармацевтика ва транспорт соҳаларидаги норасмий тадбиркорлик фаолиятини соядан чиқаришга кўмаклашиш.

15. Давлат харидлари бўйича тендер комиссиялари ишига тегишли касаба уюшмалари ташкилотлари вакилларини маслаҳат овози ҳуқуқи билан жалб қилиш.

**II. Норма ижодкорлиги ишларида иштирок этиш
ва ходимларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш**

Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш ва ҳуқуқий ҳимоя механизмларидан самарали фойдаланиш йўли билан ходимларнинг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва манфаатларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида, Тарафлар қуйидагиларни ўз зиммаларига оладилар:

16. Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар лойиҳаларини тегишли касаба уюшмаси ёки касаба уюшмалари бирлашмаси билан келишиш ишларини қатъий таъминлаш (Ўзбекистон Республикасининг "Касаба уюшмалари тўғрисида"ги Қонунининг 28-моддаси).

17. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини амалиётда қўллаш борасида қуйидагиларни биргаликда амалга ошириш:

иш берувчи ва ходим ўртасидаги низоларни судгача ҳал қилишда касаба уюшмаларининг яраштирувчи, муросага келтирувчи бўғин сифатидаги фаоллигини ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар кўриш;

Қўшимча:

иш берувчи ва касаба уюшмаси ўртасида жамоа шартномасидаги мажбуриятларни бажармаслик оқибатида юзага келиши мумкин бўлган жамоавий меҳнат низосининг тарафлари қуйидаги асосларга кўра меҳнат арбитражида ҳал этиш (тартибга солиш) юзасидан музокаралар ўтказиши шарт:

жамоавий меҳнат низосини медиатор иштирокида ҳал этиш (тартибга

солиш) якунланганидан кейин келишмовчиликлар баённомаси тузилган тақдирда;

медиатор номзоди хусусида жамоавий меҳнат низоси тарафларининг келишувига эришилиши керак бўлган муддат тугаган тақдирда;

тарафларнинг ёки тарафлардан бири жамоавий меҳнат низосини медиатор иштирокида ҳал этишни (тартибга солишни) рад этганлиги тўғрисидаги баённома расмийлаштирилган тақдирда.

жамоавий меҳнат низолари ушбу поғоналарда судгача ҳал этилмаган тақдирда қонунда белгиланган тартибда суд органларига мурожаат қилинади.

18. Ижтимоий тармоқлардаги саҳифалар ва ишонч телефонлари тармоғини кенгайтириш, сайёр қабулларни жорий этиш орқали ижтимоий-меҳнат масалалари юзасидан аҳоли билан қайта алоқа механизми каналларини янада кўпайтириш.

19. Касаба уюшмаларининг меҳнат қонунчилиги талаблари бузилган ҳолатлар бўйича киритган тақдимномаларини иш берувчилар (уларнинг бирлашмалари) кўриб чиқмаганда ёки ундаги талабларни бажаришни асоссиз рад этганда Савдо-саноат палатасининг Жиззах вилоят ҳудудий бошқармасига берилган қонуний ваколатларни қўллаган ҳолда бажарилишини таъминлашда кўмаклашади.

20. Агарда қонунларда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ташкилотларда касаба уюшмаси қўмитаси мавжуд бўлган барча ҳолларда ходим билан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишни шу қўмита билан келишиб олишни таъминлаш.

21. Ходимлар, иш берувчилар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органлари раҳбарларининг меҳнат қонунчилиги бўйича ҳуқуқий саводхонлигини ошириш.

22. Давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган хўжалик жамиятларининг инсон ресурслари билан ишлашга масъул таркибий тузилмаларининг раҳбар ва ходимларини уч йилда камида бир марта меҳнат муносабатларини ташкил этиш бўйича малакасини ошириб бориш.

23. Халқаро меҳнат стандартларининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш, уларнинг ташкилотларда ижроси юзасидан биргаликда мониторинг ўрнатиш.

24. Давлат меҳнат инспекцияси ва касаба уюшмаларининг инспекциялари тизимини янада мустаҳкамлаш, уларнинг ҳамкорликда ишлашнинг кучайтириш.

25. Сунъий интеллект технологияларини жорий этган иш берувчиларда қисқартиришга тушган ходимларни замонавий соҳа ва мутахассисликларга қайта ўқитиш чораларини кўриш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқишда иштирок этиш.

26. Тарафларнинг ҳар биридан 5 нафардан иборат вакиллари таркибида ижтимоий-меҳнат соҳасидаги ҳуқуқий ҳужжатларни амалиётда қўллаш бўйича юзага келадиган муаммоли масалалар бўйича маслаҳат кенгашини тузиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

III. Меҳнатга ҳақ тўлаш, даромадлар ва аҳолининг турмуш даражаси

Тарафлар келгуси даврда аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оғишмай юксалтириб боришни, фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришни назарда тутувчи чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилиши зарур деб ҳисоблайдилар. Шу мақсадда Тарафлар қуйидагиларни ўз зиммаларига оладилар:

27. Мазкур Келишувнинг амал қилиш даврида меҳнаткашларнинг реал иш ҳақи ва даромадларини оширишга, ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида меҳнат ҳақи улушини 30 фоиздан кам бўлмаган миқдорда сақлаб туришга доир чоралар кўриш.

28. 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифалар доирасида йиллик инфляция даражасини 5 фоиздан ҳамда фискал тақчилликни 3 фоиздан ошмаслигини таъминлаб бориш, иқтисодийнинг юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш бўйича амалий чораларини доимий равишда кўриб бориш.

29. Хўжалик ҳисобидаги ташкилотларда ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашни ташкил этиш учун асос сифатида Ягона тариф сеткасининг оширилган тариф коэффициентларини белгилашни жамоа шартномалари ва келишувлари орқали амалга ошириш.

30. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг тариф тизимидан тарифсиз тизимларига ўтишни тегишли тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши ёки унинг бўлинмаси билан олдиндан келишиб олинишини ҳамда ходимларнинг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КРІ)ни баҳолашга бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти сайланма органи вакиллари жалб этилишини таъминлаш.

31. Ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назар барча ташкилотларда:

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 743-сон қарори билан тасдиқланган Ишларнинг айрим технологик турлари, ишлаб чиқаришлар ва иқтисодий фаолият турлари бўйича ишчиларнинг тариф ставкаларини оширишнинг тармоқ коэффициентларини қўллаш тартиби ва уларнинг миқдорлари тўғрисидаги низом талабларини;

кўчма ва қатнаш тусидаги ишлар учун устамалар белгиланадиган ходимлар касблари ва лавозимлари рўйхати, шунингдек, устамалар миқдори иш берувчилар томонидан касаба уюшмаси қўмитаси билан келишган ҳолда белгиланишини ва жамоа шартномасида кўрсатилишини;

Автомобиль транспорти ҳайдовчилари меҳнатига ҳақ тўлашнинг умумий шартлари тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 3130, 2019 йил 23 январь) талабларини татбиқ қилишни таъминлаш.

32. Хотин-қизлар ва эркеклар иш ҳақи ўртасида гендерга асосланган фарқли ҳолатларни ўрганиш ва бундай ҳолатлар аниқланганда, уларни тизимли бартараф этиш чораларини кўриш.

33. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига риоя этилиши, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимлари касаба уюшмаси кўмиталари билан келишувга биноан белгиланиши, иш ҳақидан қонунчиликда кўзда тутилмаган ушлаб қолишларга йўл қўйилмаслиги устидан давлат ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш.

34. Иш берувчи томонидан иш ҳақини ва бошқа тўловларни тўлаш муддати бузилган тақдирда, уларни тўлов муддатидан кейинги кундан эътиборан то ҳақиқатда ҳисоб-китоб қилинган кунни ўз ичига олган муддатгача ҳар бир кечиктирилган кун учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ўша вақтда амалда бўлган қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиққан ҳолда фондлар (пулли компенсация) билан бирга тўланишини назоратга олиш ва таъминлаш.

35. Иш берувчиларга ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда касаба уюшмаси кўмитаси раиси вазифасини бажарувчи ходимга унинг ойлик (лавозим) маошининг (ишбай ҳақ тўланадиган ходимнинг эса ўртача ойлик иш ҳақининг) камида 20 фонд миқдорида қўшимча ҳақ тўлашни тавсия этиш.

36. Касаба уюшмалари томонидан ходимларнинг меҳнат малака даражасини ҳамда меҳнат шaroитларини ҳисобга олган ҳолда иш ҳақи тўланилиши устидан тизимли жамоатчилик назоратини ўрнатиш.

IV. Меҳнат бозорини ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш

Меҳнат бозорининг самарали фаолият юритишини таъминлаш ҳамда аҳолини иш билан таъминланганлик даражасининг юксалтирилишини ўз мақсади деб эътироф этган ҳолда Тарафлар янги иш ўринларини яратиш, кадрлар салоҳиятини сақлаб қолиш ва ривожлантириш борасида кучларни бирлаштириш зарур деб ҳисоблайдилар ва қуйидагиларни ўз зиммаларига оладилар:

37. Бандлик йўналишлари, тармоқлар ва ҳудудлар кесимида аҳоли бандлиги йиллик дастурларини ижтимоий шериклар иштирокида ишлаб чиқиш ва бажариш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаб бориш. Бунда барқарор иш ҳақини ва хавфсиз меҳнат шaroитларини таъминловчи доимий иш ўринлари, айниқса қишлоқ жойларида яратилишига, иш ўринларини ташкил этаётган иш берувчиларни янада рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратиш.

Қўшимча:

Ҳар йили аҳолини доимий иш билан банд қилиш манзилли дастури асосида 53,3 минг, жумладан, инвестиция лойиҳаларини ишга тушириш ҳисобидан 14,5 минг, хизмат кўрсатиш ва сервис лойиҳаларини ишга тушириш ҳисобидан 7,8 минг, қишлоқ хўжалиги соҳасида 9,8 минг, қурилиш соҳасида 2,2 минг, бўш иш ўринлари ҳисобига 5,9 минг, банк томонидан ўз миқозларига кредит ажратиш ҳисобидан 13 мингта иш ўринларини яратиб аҳолининг ишсиз қатламини бандлигини таъминлаш.

38. Норасмий секторда банд аҳоли улушини жами банд аҳоли (ташқи миграцияга кетганлар бундан мустасно) сонига нисбатан 30 фоизгача қисқартириш.

39. Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари хўжалик юритувчи субъектлари учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2173, 2010 йил 28 декабрь) талаблари бажарилишини назоратга олиш.

40. Ўзини ўзи банд қилганларни ва яқка тартибдаги тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан мақсадли жамғармалардан олинган субсидиялар ва кредитлардан (ёки тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича бошқа чора-тадбирлардан) фойдаланиш самарадорлигини ҳамда улар яратган иш ўринлари самарадорлигини мониторинг қилиш.

41. Халқаро меҳнат ташкилотининг услубиёти бўйича ҳисоблаб чиқилган умумий ишсизлик иқтисодий фаол аҳолининг 5 фонзидан ошмаслигини таъминлаш, ишсиз фуқароларни касбий тайёргарликдан ўтказиш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш.

Қўшимча:

Шунинг билан биргаликда, 2026 йилда вилоятнинг шаҳар ва туманларида ҳисобга олинган 22,8 минг (3,4%) ишсиз аҳолини доимий иш ўринларида даромадли бандлигини таъминлаган ҳолда босқичма-босқич 7 та шаҳар ва туманларни ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш.

2026 йилда вилоятнинг 13 та шаҳар ва туманларида ҳисобга олинган 44,9 минг (2,8%) аҳолини даромадли бандлигини таъминлаган ҳолда босқичма-босқич камбағалликдан чиқариш, 7 та шаҳар ва туманларни камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш ва бу борадаги ишларни тизимли давом эттириш.

42. Олий, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчилари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафидан муддатли ҳарбий хизматдан қайтган шахслар, ёшлар, вояга етмаган фарзандлари бор аёллар, ногиронлиги бўлган шахслар ва 'ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларининг бошқа тоифаларини ишга жойлаштирилишига ҳар томонлама кўмаклашиш.

Қўшимча:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги "Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 965-сонли қарори асосида ҳар йили ушбу қатламдаги 1146 нафар фуқарони бандлигини таъминлаш.

43. Меҳнат бозорини таҳлил қилиш асосида меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича мутахассислар тайёрлашни, таълим муассасалари битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилиши ва иш ўринларида қўнимлилиги таъминланиши учун иш берувчиларни рағбатлантириш механизмларини жорий этиш.

44. Ижтимоий шериклар томонидан бандликнинг беқарор турларида банд фуқаролар ҳуқуқлари таъминланишига, хусусий бандлик агентликлари фаолияти устидан давлат ва жамоатчилик назоратини йўлга қўйишга, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг вилоят Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармасининг вакиллари ҳокимликлар ҳузуридаги тегишли ишчи комиссиялар таркибига жалб этилишини таъминлаш.

45. Иш берувчиларнинг тугатилиши ва қайта ташкил этилиши натижасида иш жойидан бўшатилган ходимларнинг қонуний ҳуқуқларига риоя этилиши, уларни қайта ўқитиш, малакасини ошириш ва ишга жойлаштиришга қўмаклашиш.

46. Ишлаб чиқариш корхоналарида малакали кадрларга эҳтиёж юқорилигини инобатга олган ҳолда долзарб касблар (пайвандчи, электромонтёр, турли дастгоҳларни ишлатиш бўйича мутахассислар, хизмат кўрсатиш соҳасидаги мутахассислар ва ҳ.к.)га тайёрлаш бўйича қисқа муддатли инновацион ўқув курслар тармоғини кенгайтириш ва улар орқали ҳар йили камида 3 минг 100 нафар ишга жойлаштиришга муҳтож шахсларни қамраб олиш.

47. Касбий таълим олишнинг дуал шаклини жорий этиш ва ишлаб чиқаришда "Устоз-шогирд" тизимини рағбатлантириш.

48. Норасмий секторда банд бўлганларнинг камида 10 фоизини иш жойини йўқотишдан ижтимоий сугурталаш билан қамраб олиш.

49. Ёшлар, аёллар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари учун инклюзив ва адолатли иқтисодий ўсиш натижасида яратилган бандлик ва муносиб меҳнат имкониятлари тўғрисида аҳоли ўз вақтида ва ҳолисона хабардор қилинишини таъминлаш.

50. Ёшлар, хотин-қизлар ва банд бўлмаган аҳоли ўртасида касбга йўналтириш механизмларини тарғиб қилиш бўйича самарали чора-

тадбирларни, шу жумладан, касбга йўналтириш ва мартабани ривожлантириш марказларини ташкил этиш орқали ишлаб чиқиш.

51. Меҳнат органлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар тўғрисида аҳоли ва иш берувчиларнинг хабардорлигини ошириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари (ёшлар, аёллар, ногиронлар ва бошқалар)ни чекка ҳудудларда бўш иш ўринлари ярмаркаларини ташкил этиш орқали ишга жойлаштириш.

52. Хизмат кўрсатиш моделини такомиллаштириш ва меҳнат бозоридаги фаол сиёсатни бошқариш самарадорлигини ошириш.

53. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги 2022 йил 1 мартдаги ПҚ-149-сон қарорида белгилаб берилган вазифалар доирасида хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ва уларнинг оила аъзолари учун ижтимоий ҳимоя чораларини кўриш.

54. Мамлакат фуқароларининг хорижга меҳнат миграциясига оммавий равишда кетишини олдини олиш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган давлат сиёсати амалга оширилишини, шу жумладан, вилоятда рақобатбардош иш ўринларини барпо этишга кўмаклашиш орқали таъминлаш.

55. "Яшил ишлаб чиқариш" тамойилларини жорий этиш жараёнида энергия тежамкорлиги технологияларига ўтишда иш ўринлари қисқартирилишига йўл қўймаслик чораларини кўриш.

56. Сунъий интеллект жорий этилиши натижасида иш ўринларини йўқотаётган ходимларни бошқа касбларга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш.

V. Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси

Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасини ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан бири деб ҳисоблаган ҳолда, Тарафлар ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

57. Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тизимини жорий этиш, унинг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлашда иштирок этиш.

58. Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси вилоят дастурини ишлаб чиқиш.

59. Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларидан келиб чиққан ҳолда иш берувчилар томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни доимий молялаштириш.

60. Иш ўринларининг автоматлаштирилиши, меҳнат жараёнида сунъий интеллектдан фойдаланиш натижасида иш ўринлари йўқотилиши сабабли янги

иш ўринларини хавфсиз меҳнат шартларини яратган ҳолда ташкил этиш чораларини кўриш.

61. Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича вилоят уч томонлама комиссия таркибида тузиладиган меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича ишчи гуруҳ фаолиятини ташкилотларда меҳнат шартларини яхшилашга ва хавфсизлигини таъминлашга йўналтириш.

62. Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича вилоят уч томонлама комиссиясининг ваколати доирасида давлат ва жамоатчилик назоратини амалга оширишда қуйидагиларга эътибор қаратиш:

ташкилот раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслардан меҳнат шартлари ва хавфсизлиги, шунингдек, ишлаб чиқариш билан боғлиқ барча бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари тўғрисида тўлиқ ахборот олиниши;

корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича тадбирларнинг молиялаштирилиши;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан давлат томонидан мажбурий ижтимоий сугурта қилинишини, шунингдек иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тизимини таъминланиши;

иш ўринларида меҳнат шартларининг ҳолати, айниқса зарарли ишлаб чиқариш омиллари ва хавфли ишлаб чиқариш омиллари юзасидан назорат амалга оширилиши;

ходимларга имтиёзлар ва компенсациялар белгиланадиган, имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқи берилладиган, ногиронлиги бўлган шахслар банд бўлган зарарли (ўта зарарли) ва хавфли (ўта хавфли) меҳнат шартларига эга иш ўринларида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда иш ўринларининг меҳнат шартлари бўйича аттестациядан ўтказилиши;

дастлабки тарада (ишга кираётганда) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўриклар белгиланган тартибда ўтказилиши;

иш берувчиларнинг жамоа шартномалари ва келишувларида меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси ҳолати юзасидан кўзда тутилган мажбуриятларини бажаришини ўрганиш;

ходимларга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва компенсацияларни берилиши ҳамда уларга меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлар берилгани, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўқувдан ва малака оширишдан ўтганлиги;

ходимлар белгиланган нормалар бўйича сут, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газланган тузли сув, шахсий ҳимоя ҳамда гигиена воситалари билан таъминланиши, шунингдек, жамоавий ҳимоя воситалари қўлланилиши ҳолати;

ишлаб чиқариш объектлари ва ишлаб чиқариш воситаларини синаш ва фойдаланиш учун қабул қилиш комиссиялари ишида ҳамда тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси мажлисларида мустақил эксперт сифатида иштирок этилиши;

меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш натижадорлиги;

ишлаб чиқаришда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси талабларининг бузилиши ва бахтсиз ҳодисаларни яширганликда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида ваколатли органларга мурожаат қилиниши;

қўшимча:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 21 июлдаги "Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимини жорий этиш тўғрисида"ги 454-сонли қарори иловаси билан тасдиқланган Намунавий Низом талабларини амалиётга тадбиқ этиш ва ижросини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 24 декабрдаги "Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасига оид айрим низомларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 819-сонли қарори иловаси билан тасдиқланган Низомлар талабларини амалиётда жорий этиш ва ижросини таъминлаш;

- касаба уюшмалари тизимида меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан уч томонлама ҳамкорларни жалб этган ҳолда вилоят кўрик-танловини ташкил этиш ва ўтказиш;

- меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ҳамда уларни халқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқиш ва жорий этиш дастурини тасдиқлаш, уни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича ишлар мувофиқлаштирилишини таъминлаш.

63. Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси масалаларининг муҳим ўрин тутуши ҳақида жамоат фикрини шакллантириш бўйича оммавий ахборот воситалари орқали кенг тушунтириш ишларини олиб бориш.

64. Ҳар йили 28 апрель – Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кунига бағишлаб ҳафталик ташкил этиш ва барча ташкилотларда нишонланишини ташкил этиш.

65. Ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назар барча ташкилотларда Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган меҳнат муҳофазасига оид конвенциялари талаблари бажарилиши ўстидан мониторинг олиб бориш.

66. 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш ишларида иштирок этиш, муносиб

меҳнат мақсадига етишда соғлом ва хавфсиз меҳнат шaroитлари яратилиши учун тизимли чора-тадбирлар ижросини таъминлаш.

67. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва ҳўжалик бирлашмалари томонидан ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва ижро этилиши бўйича жамоатчилик назоратини олиб бoриш.

Кўшимча:

68. Жиззах вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг вилоят Кенгаши ўртасида ҳамкорлик битимини имзолаш. Ушбу битимда қуйидаги асосий ҳамкорлик ҳаракатларини амалга оширишни назарда тутиш:

- давлат инспекцияси ва касаба уюшмаси инспекцияси, меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими ўртасида мунтазам ахборот алмашинувини йўлга қўйиш;

- корхона, ташкилот ва муассасаларда уларда касаба уюшмалари ёки ходимларнинг вакиллик органи тузилган ёки тузилмаганлигидан қатъий назар рўй берган бахтсиз ҳодисалар тўғрисида ахборот алмашинувини йўлга қўйиш;

- корхона, ташкилот ва муассасаларда уларда касаба уюшмалари ёки ходимларнинг вакиллик органи тузилган ёки тузилмаганлигидан қатъий назар рўй берган бахтсиз ҳодисаларда ўтказиладиган текширувларга вилоят касаба уюшмалари кенгашининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича етакчи мутахассиси ва техник инспекторини жалб этиш ҳамда иштирокни таъминлаш;

- корхоналарда иш ўринларининг хавфсизлиги бўйича ўтказилган иш ўринлари аттастацияси якунлари бўйича меҳнат органлари томонидан ўрганиб чиқиш ва хулоса бериш жараёнида вилоят касаба уюшмалари кенгашининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича етакчи мутахассиси ва техник инспекторини жалб этиш ҳамда иштирокни таъминлаш;

- корхона, ташкилот ва муассасаларда давлат техник инспекторларининг давлат назоратини, касаба уюшмалари меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича етакчи мутахассиси ва техник инспекторини жамоатчилик назоратини ўрнатиш;

- корхона, ташкилот ва муассасаларда режа-жадвал асосида биргаликда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни олдини олиш бўйича семинар-тренинглр, давра суҳбатларини ўтказиб тушунтириш ишларини олиб бoриш ва бошқалар.

VI. Ижтимоий кафолатлар ва ҳимоя

Ходимлар ҳамда уларнинг oila аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, муносиб ҳаёт учун меҳнат қилиш шарт-шaroитларини яратиб бериш мақсадида Тарафлар ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

69. Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясида белгиланган вазифалар ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини назоратга олиш.

70. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2016 йил 28 декабрдаги ПҚ-2705-сон қарорини амалга оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш.

71. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сонли Фармони билан тасдиқланган "Ўзбекистон - 2030" стратегиясини амалга оширишга оид Давлат дастурлари бажарилишига ҳар томонлама кўмаклашиш.

72. Ҳар бир маҳаллада ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлиги бўлган шахслар, имконияти чекланган болаларни тарбиялаётган, кам таъминланган ҳамда кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш учун ҳар йили "Наврўз" ва "Мустақиллик" байрамлари арафасида мақсадли умумхалқ хайрия ҳашарларини ўтказиш.

73. Жамоа келишувлари ва шартномалари орқали кам таъминланган оилаларга, кўп болали оилаларга, уруш ва меҳнат фахрийларига доимий равишда моддий ёрдам кўрсатиб бориш.

74. Фавқулодда ҳолатлар юзага келган тақдирда аҳоли учун Халқаро меҳнат ташкилотининг "Тинчликни ва қарши ҳаракат салоҳиятини таъминлаш мақсадида бандлик ва муносиб меҳнат тўғрисида"ги 205-сонли тавсияси асосида ижтимоий ҳимоя чораларини кўриш.

VII. Маданий-маърифий ишлар, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, ички туризмни ривожлантириш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш

Тарафлар ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

75. Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг фойдали ҳамда мазмунли хордиқ чиқаришларини ташкил этиш мақсадида маънавий-маърифий, маданий-оммавий ва спорт тадбирларини ҳамкорликда ўтказиш.

76. Давлат-хусусий шерикчилиги асосида вилоятда "Хоразм" тажрибаси асосида биттадан санаторий ва болалар соғломлаштириш оромгоҳлар қуриш.

77. Ходимларга жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун етарли шароитлар яратиб бериш (спорт майдончалари ташкил этиш, махсус спорт хоналарини ажратиш), турли спорт секциялари ва тўғарақларига жалб этиш, меҳнат жамоаларида ходимлар гимнастикасини жорий этиш ҳамда жисмоний тарбия жамоалари фаолиятини йўлга қўйиш.

78. Жамоа шартномаси ва келишувларида назарда тутилган маданий-маърифий ишлар, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, ички туризмни

ривожлантириш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ҳамда бошқа мақсадлар учун иш берувчи ҳисобидан маблағлар ажратиш.

79. Ёз мавсумида болаларнинг болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олиши ва соғломлаштирилишини ташкил этишга қаратилган тизимли чоратадбирларни амалга ошириб бориш.

80. Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида "Меҳрибонлик" уйлари тарбияланувчилари, шунингдек, республиканинг экология жиҳатдан ноқулай минтақаларида истиқомат қилувчи болалар соғломлаштирилишига доимий равишда қўмаклашиш.

81. Иш берувчиларга ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини ҳар йили маданий дам олдириш ва соғломлаштиришларини ҳамда "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!" дастури доирасидаги саёҳатлари учун шароит яратишларини тавсия этиш.

82. Вилоят марказида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Жиззах вилоят Кенгаши томонидан қасаба уюшмалари боғини ташкил этиш. Жиззах вилоят ҳокимлиги вилоятда қасаба уюшмалари боғини ташкил этиш мақсадида белгиланган тартибда ер майдонларини ажратишни ўз зиммасига олади.

83. Корхона ва ташкилотларда қасаба уюшмалари ташаббуслари билан ишхона ва маҳаллаларда яшил ҳудудларни кенгайтириш ҳамда тозалик ва ободончилик ишларини ташкил қилиш.

84. Корхона ва ташкилотлардаги қасаба уюшмалари жамоалари ўртасида "Экологик фаол қасаба уюшмаси жамоаси" танлови ўтказиш ва ғолибларни рағбатлантириш.

VIII. Аёллар ва ёшлар учун қўшимча кафолатлар

Тарафлар аёллар ва ёшлар учун Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган кафолатларга риоя этишни ва имтиёзлар беришни ўз зиммасига олган ҳолда қуйидагиларни зарур деб ҳисоблайдилар:

85. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббус"и бўйича дастурларидан келиб чиқиб ёшлар ва хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш, шу жумладан:

ишлаётган ёшлар фаолиятидаги, олий ва касб-ҳунар таълими муассасалари талабаларида салбий ҳолатларни, жумладан, эртанги кунга ишонч сўнишининг олдини олиш, иш ҳақи, меҳнат шароитларидан миннатдорлик ҳиссини уйғотиш мақсадида ёшлар ўртасида маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини амалга ошириш;

ёшларнинг хорижий тил, компьютер саводхонлиги ҳамда замонавий билимларни мукамал эгаллашларига турли хил ўқувлар ўтказиш орқали

кўмаклашиш, улар орасидан салоҳиятли ёшларни танлаб олган ҳолда кадрлар захирасини шакллантириш.

86. Жамоа шартномалари ва келишувларида қуйидагилар назарда тутилшини таъминлаш:

хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш мажбуриятларини ташкилотларнинг ва улар таркибий бўлинмаларининг ваколатли шахси зиммасига юклатиш;

ишга қабул қилиш ва хизмат бўйича кўтаришда хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни яратиш;

хотин-қизлар ва эркеклар меҳнатига ҳақ тўлашда нотенгликка йўл қўймаслик.

87. Жамоа шартномалари ва келишувларида аёллар ва ёшларга имтиёзлар бериш, улар учун маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш чораларини қўллаш масалаларини назарда тутиш, шу жумладан:

ҳўжалик ҳисобидаги ташкилотларда ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари кунини узайтириш;

ёш болали аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш ва қисқартирилган иш вақтини ўрнатиш;

таълим муассасалари битирувчиларига меҳнат муносабатлари соҳасида қўшимча имтиёзлар ўрнатиш;

хотин-қизларнинг жисмоний фаоллигини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

хотин-қизлар учун саёҳатларини ташкил этиб бориш;

ҳўжалик ҳисобидаги ташкилотларда узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш, уй-жой қурилиши, шунингдек, сафарбарлик чақирuvi захирасида хизматни ўташга ҳақ тўлаш учун ёш ходимларга фойсиз ссудалар бериш.

88. "Қасаба уюшмалари – аёллар манфаати йўлида" шиори асосида хотин-қизлар меҳнатини муҳофаза қилиш бўйича янги тизимни жорий этиш, унда меҳнат бозорида хотин-қизлар учун тенг имкониятлар яратиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга кўмаклашиш бўйича янги ёндашувларни жорий этиш, қишлоқ жойларида аёллар бандлиги ва тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш дастурларини янада кенгайтиришни назарда тутиш.

89. Меҳнат жамоаларидаги гендер аудит натижаларини муҳокама қилиб, иш берувчилар билан биргаликда хотин-қизларга янада қулай меҳнат шароитларини яратиш бўйича амалий чораларни белгилаш.

90. "Аёллар дафтари" орқали ёрдам кўрсатиладиган аёллар тоифаларига уй-жой ва яшаш шароитини яхшилашга, тиббий ва психологик ёрдамга муҳтож,

таъйиқ ва зўравонликка учраган ҳамда ҳуқуқий ёрдамга муҳтож аёлларни ҳам кўшишни назарда тутиш.

IX. Ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шерикликни ривожлантириш

Тарафлар, ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасидаги муаммоларни маърифий йўл билан ҳал этиш услуби ҳисобланган ижтимоий мулоқот ғоясига содиқлигини эълон қилиб, ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

91. Касаба уюшмалари ва иш берувчилар бирлашмаларининг қонуний ҳуқуқларига риоя этиш, уларнинг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда тузилишига ва фаолият юритишига тўсқинлик қилинишига йўл қўймаслик.

92. Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича вилоят уч томонлама комиссияларнинг роли ва самарадорлигини оширишга бошланғич даражадаги ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссиялар тузилишига кўмаклашиш.

Кўшимча:

93. Мулкчилик шаклидан қатъий назар барча корхона, ташкилот ва муассасаларда, шунингдек хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар, пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари (кластерлар) иш берувчиларига касаба уюшмаларига аъзолик афзалликлари тарғибот ишларини амалга ошириш ва касаба уюшмаси ташкилотини тузиш юзасидан тавсиялар бериш.

94. Норасмий тарзда банд бўлган (айниқса қурилиш, транспорт, савдо, умумий овқатланиш, фермер хўжаликлари ва бошқа соҳаларда), шунингдек, кунлик ишчилар ҳамда ўзини ўзи банд қилган фуқароларни касаба уюшмаларига жалб қилиш чораларини кўриш.

95. Ягона музокара жараёнини татбиқ қилиш мақсадида қуйидагиларни тавсия этиш:

барча жамоа шартномалари ва келишувлари лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказишни;

тегишли касаба уюшмалари ва иш берувчилар (уларнинг бирлашмалари) ўртасидаги ҳудудий тармоқ жамоа келишувларини тегишли йилнинг январь ойидан, корхона, ташкилот, муассасаларда жамоа шартномаларини эса тегишли йилнинг март ойидан кечиктирмай тузишни;

ҳудудий тармоқ жамоа келишувлари ва жамоа шартномаларини бажариш яқунларини касаба уюшмалари ва иш берувчилар ташкилотларининг қўшма мажлисларида, шунингдек, меҳнат жамоаларининг умумий йиғилиш (конференция)ларида ҳар йили 1 апрелдан кечиктирмасдан кўриб чиқилишини.

96. Касаба уюшмаларининг қарорлар қабул қилиш жараёнидаги иштирокчини таъминлаш мақсадида қуйидагиларни тавсия этиш:

Вилоят ҳокимлиги мажлисларига ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган масалалар кўриб чиқиляётганда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг вилоят Кенгаши ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармасининг вакиллари таклиф этилишини;

бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти раҳбарини корхонанинг бошқарув органларига киритилишини.

97. Долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни муҳокама қилиш учун касаба уюшмалари фаоллари ва иш берувчиларнинг ҳокимият, мутасадди вилоят ташкилотлари вакиллари билан жамоатчилик эшитувларини ташкил этиб бориш.

98. Ходимларнинг ёзма аризалари мавжуд бўлганда касаба уюшмасининг тегишли ҳисобварағига ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинган касаба уюшмасига аъзолик бадаллари ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш.

X. Келишувнинг амал қилиши, уни амалга ошириш механизми ва бажарилиши учун тарафларнинг жавобгарлиги

99. Мазкур келишув 2026 – 2028 йиллар учун тузилган бўлиб навбатдагиси қабул қилингунга қадар амалда бўлади. Келишув Жиззах вилоятининг бутун ҳудудида амал қилади.

100. Тарафлар мазкур келишувни ижтимоий-иқтисодий масалалар хусусида келишиб келиш олиб боришнинг умумий принципларини белгилаб берувчи ижтимоий шерикликнинг асосий ҳужжати деб эътироф этадилар ҳамда мазкур келишувга амал қилиш, унинг барча шартларини бажариш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

101. Мазкур келишув имзолангандан сўнг Тарафлар келишувда белгиланган вазифаларнинг тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимлиги туман, шаҳар ҳокимликлари, вилоят ташкилотларига исқро учун юборилишини, улар томонидан зарур чора-тадбирлар белгиланишини таъминлайди.

102. Мазкур келишувнинг меъёрий ҳолатлари ҳудудий тармоқ келишувларига ва жамоа шартномаларига киритиш орқали амалга оширилиши лозим.

103. Мазкур Келишувга имзо чеккан ҳар бир Тараф унинг мақсадлари рўёбга чиқарилиши учун ўз ваколатлари доирасида масъулиятни тан олади ва юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал этишда ҳамкорлик қилиш мажбуриятини олади.

104. Тарафлар мазкур келишувнинг амал қилиш даврида қуйидагиларни зарур деб ҳисоблайдилар:

а) ижтимоий-меҳнат муносабатларининг энг муҳим масалалари юзасидан Тарафларнинг манфаатларига тааллуқли қарорлар қабул қилишдан олдин ўзаро маслаҳатлашувлар ўтказиш;

б) ҳар йили камида бир марта ушбу келишув бажарилишининг бориши ва яқунларини муҳокама қилиб бориш;

в) ушбу келишув бажарилиши таъминланиб борилаётган тақдирда, иш таъинлаш амалларидан воз кечиш.

105. Мазкур Келишувга имзо чеккан Тарафларнинг ҳар бири унга аввал олинган мажбуриятларнинг бажарилишига тўсқинлик қилмайдиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар беришга ҳақлидир. Ушбу таклифлар Тарафларнинг ўзаро розилиги билан қабул қилиниши мумкин.

106. Мазкур Келишув бажарилиши устидан назоратни ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича вилоят уч томонлама комиссияси амалга оширади.

Жиззах вилоят ҳокими
У.Мустафоев



Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерациясининг Жиззах вилоят

Кенгаши раиси
Н.Пардаев



Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси

Жиззах вилоят ҳудудий
бошқармаси бошлиғи
Б.Умурзоқов



JA

De

Abdus-
Kamil